

Ishonch

2019 йил 30 апрель • сешанба • № 55 (4184)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель кунги Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг кенгайиши ва мустақамлаштириш, турли соҳалардаги серқирра ҳамкорлик ривожига кузатилаётган барқарор ижобий тенденцияни катта мамнуният билан қайд этдилар.

Товар айирбошлаш ҳамжи изчил ортиб, ишлаб чиқариш кооперацияси кўлами кенгаймоқда, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда.

Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши ҳамда Парламентларо ҳамкорлик бўйича комиссия йиғилишлари шериклиги янада кенгайтиришда катта салоҳият ва қатъий интилиш мавжудлигини кўрсатди.

Сухбатда илгари эришилган келишувларни изчил амалга ошириш, ҳудудларо ҳамкорлик имкониятларини тўлиқ ишга солиш, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Президентлар минтақавий инфратузилма лойиҳаларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш муҳим ва иқтисодий жиҳатдан долзарб экани таъкидланди.

Томонлар ушбу лойиҳанинг барча иштирокчилари ўртасида ўзаро англашув мавжудлигини ва уларнинг ҳамкорликка тайёр эканини мамнуният билан қайд этдилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги ва манфаати йўлида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги аънавий дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлаш борасида интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎЗА



Сурхондарё вилояти

«Бойсун баҳори»




Падангда улуғланган қадим анъаналар

Паданг қишлоғи. Тоғли Бойсун туманидан 7-8 чақирим узоқликдаги сўлим маскан. Бу мафтунок гўшада Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа таҳкилотлар ҳамкорлигида фольклор этнографик жамоалари иштирокида «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалнинг дастлабки кунини эрта тонгдан қўқор, хўроз уриштириш, миллий кураш ўйинлари авжига чиқди. Ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонларда ўрнатилган ўтов (қора уйлар) атрофида ноёб миллий хунармандчилик буюмлари, турли осори-атиқалар намойиш этилиб, уларнинг ўзига хос ўрни, вазифалари, бугунга қадар сақланиб келиниши сабаблари ҳар бир қизиқувчига тушунтирилди. Ўтовларда тасвирий ва амалий санъат, миллий либослар ва таомлар кўргазмалари уюштирилди.

Фольклор жамоаларининг тақдим этган дастурлари, бахши-шоир оқин ва жировларнинг ижодий беллашувлари, театрлашган сахна асарлари томошабинларга ўзгача завқ-шавқ улашди. «Бойсун», «Ойбалдоқ», «Кўнғирот», «Дашнободанори» каби фольклор-этнографик халқ ансамбллари жамоаларининг чиқишлари, миллий либослар ва чолғу асбоблари садоси, қолаверса, юртимизнинг мафтунок табиати ва қадимий осори-атиқалари хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига ром этди.



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИ ҲАМ
ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ
МАЖЛИСИНING
ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 31-сессияси 2019 йил 31 май кунини соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлис-залида очилади.

**Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати аъзоларининг
диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 2 май кунини соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

«Матбуот бонг уради!»

«ISHONCH»ДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛА ОАВ НИГОҲИДА

эди. Буни ушбу мақолани uza.uz ҳамда daryo.uz сайтлари ҳам эълон қилишгани, энг муҳими, ижтимоий

тармоқларда қизғин муҳокама-ларга сабаб бўлаётгани ҳам тасдиқламоқда.

Газета саҳифаланаётганда ушбу мақолаларнинг uza.uz сайтида 60 мингдан зиёд, daryo.uz сайтида эса 120 мингдан ортиқ юртдошларимиз ўқигани ҳам бунинг исботи. («Ishonch» газетаси таҳририяти ахборот алмашишда бу ҳамкорлик учун ушбу сайтлар ижодкорларига ўз



«Ishonch» газетасининг шу йил 11 ва 25 апрелдаги сонларида ҳуқуқшунос Абдурахмон Ҳамидовнинг «Чекловлар: иқтисодиётга фойдами ёки зарари?» сарлавҳали туркум мақолалари чоп этилиб, газетхонлар эътиборига тушган эди.

Мақолаларда мамлакатимиз иқтисодиётидаги муҳим мавзулардан бири – чекловлар хусусида сўз юритилган.

Кўтарилган мавзу долзарб ва кенг жамоатчилик учун қизиқ



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

Бой савдога, Жамият, «Lacetti Gentra» – машина ишлаб чиқармайдиган давлатларда ҳам 8000 АҚШ доллари атрофида. Бизда-чи?!

Синьса, Хўжалиқ, Жамият, Иқтисодиёт, Технология, Илм-фан, Маданият

26.04.2019 18:15 Чоп этиш версияси

«Lacetti Gentra» – машина ишлаб чиқармайдиган давлатларда ҳам 8000 АҚШ доллари атрофида. Бизда-чи?!

60 509

миннатдорлигини билдиради, албатта.)


Демак, кўпчиликнинг дилидаги саволлар юзига яна бир бор қалқиб чиқмоқда: чекловлар иқтисодиётга фойдами ёки зарари?

Лекин айни вақтда мутаассадилар бу ҳақда ўз муносабатларини билдиришгани йўқ. **Ку-таминиз: улар ушбу кенг муҳокамадаги саволларга қандай жавоб беришар экан?**

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини

**ҲАФТА
МАВЗУСИ:
«Хавфсизлик,
саломатлик ва
келажакдаги
меҳнат»**

Халқаро меҳнат ташкилоти ташаббуси билан ҳар йили кенг нишонланадиган 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини муносабати билан шу шиор остида мамлакатимизда турли тадбирлар бўлиб ўтди.



**Бўлажак алкимёгарларнинг «ОЛТИН»и
«УЛАР КЕЛАЖАҚДА ЮРТИМИЗГА «НОБЕЛЬ»
ОЛИБ КЕЛИШИГА ҲАМ ИШОНАМИЗ»**

дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори, профессор Ортиқбой Эшонкулов

20-27 апрель кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида кимё фани бўйича 53-Халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда 29 та давлатдан 170 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

Олимпиадада юртимиз вакиллари битта олтин, иккита кумуш ҳамда бронза медални қўлга киритди.

– Бу бизнинг биринчи ғалабамиз эмас, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори, профессор Ортиқбой Эшонкулов. – Ўқувчиларимиз ўтган йилнинг апрель ойида Минскда ўтказилган 52-халқаро Менделеев олимпиадасида 1 та кумуш, 3 та бронза медалга, июль ойида Словакия ва Чехия давлатларида бўлиб ўтган

50-жаҳон кимё олимпиадасида 2 та бронза медалга муносиб топилган эди. Улкан мақсадларни кўзлаганимиз. Бизнинг бўлажак алкимёгарларимиз келажакда Ўзбекистонга Нобель мукофотини ҳам олиб келишига ишонамиз.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Исроил Каримов Санкт-Петербургда «олтин» билан қайтди.

Олимпиадада Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Улуғбек Бойирбеков ҳамда Тошкент давлат аграр университети академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси Диёр Ҳайитов кумуш, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Моҳира Болтаева бронза медалини қўлга киритди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Daryo

Маълумот: 28.04.2019 18:15

Автомобил ишлаб чиқарилмайдиган мамлакатларда
ham Gentra'ning narxi taxminan 8000 dollar. Nega
O'zbekistonda qimmat?

"Ishonch" gazetasi cheklovlar iqtisodiyotga qanchalik foyda va zarar keltirishi, mavjud iqtisodiyot va iqtisodiyotni rivojlantirishda cheklovlar qanchalik muhim ekanligi haqida muhokama olib borilmoqda.

125 180

Меҳнат муҳофазаси – муҳим дастурий вазифа

11

Андижон
вилояти

Йўриққа риоя қилганнинг йўли очиқ

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича доимий равишда йўл-йўриқ бериб туриш, ишларни бажаришнинг қулай, хавфсиз усулларини тўла-тўқис жорий этиш ташкилот раҳбарига ҳам, ходимларга ҳам бирдек фойдали. Кўнгилсизлик иш жараёни ва корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилиши турган гап.

Андижонда ўтказилган тадбирларнинг асосий мазмун-моҳияти мана шу жиҳатларга қаратилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шокиржон Болтабоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бош юристконсулти Гўзалхон Фабриков, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси хавфсизлик бўлими мудири Виталий Ким, «Элтехсаноат» касаба уюшма кўмитаси раиси Эркинжон Файзуллаев, вилоят меҳнат бош бошқармаси давлат инспек-

тори Ибайдилло Мамадалиев ва бошқалар мавзуга оид чиқишлар қилишди. Жумладан, ишловчиларга муносиб шароит яратиш, меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратиш, иш ўринлари меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш, ходимлар руҳиятига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, иш жараёнида самарали фаолият кўрсатиш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, умуман, ҳар бир жамоада соғлом муҳит яратиш билан боғлиқ масалалар, муаммоларнинг ечимлари эътибор марказида бўлди.

Ҳафталик тадбирлар доирасида «ЎзДонг-ЯнГК» қўшма корхонасида инженер-техник ҳамда ишчи-ходимлар, касаба уюшма фаоллари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди ҳамда меҳмонлар бу ерда айна соҳада тўпланган тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

Фарғона
вилоятиТошкент
вилояти

Хавфсиз фаолият асоси

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган «Хавфсизлик, саломатлик ва келажақдаги меҳнат» мавзусидаги давра суҳбати ҳамкор ташкилотларнинг вакиллари, касаба уюшмалари фаоллари, йирик ишлаб чиқариш саноат корхоналарнинг раҳбарлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари мутахассислари қатнашди.

Ҳамма бирдек манфаатдор

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар», «Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида ишларни бехатар олиб бориш услублари», «Хавфли ишлаб чиқариш объектларида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, жараҳатланишлар таҳлили ва уларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишларни ташкил этиш» каби мавзулардаги чиқишлар иштирокчиларни эътиборсиз қолдирмади.

Давра суҳбатида меҳнат муҳофазасига қаратилган ишларни янада кучайтириш, шу мақсадда ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб олинди.

Олмалик кон металлургия комбинатининг «Темирйўлчилар» Маданият марказида ўтган семинарда меҳнат муҳофазасининг муҳим жиҳатлари очиб берилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда «Олмалик КМК» АЖ ҳамкорлигида уюштирилди.

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти шифокори Рамазон Ишитовнинг «Касб касалликлари структураси ва профилактикаси», Тошкент вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи Сирожиiddин Бобоқулловнинг «Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларининг олдини олиш», Тошкент вилояти Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси шифокори Гулчехра Бекжонованинг «Меҳнатда жабрланган ходимларга ногиронлиқни белгилаш тартиби тўғрисида»ги маърузалари семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгига «Олмалик КМК» АЖ корхоналари ўртасида ўтказилган «Энг намунали иш тақсимлаш хонаси» кўрик-танловининг ғолиблари тақдирланди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, «Олмалик КМК» АЖ тасарруфидagi бошланғич ташкилотлар сони 40 та, касаба уюшмалари аъзолари эса 45 716 нафардан иборат.

Қорақалпоғистон
Республикаси

И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи мажлислар залида ташкил этилган давра суҳбати доирасида ишлаб чиқарув корхоналари ходимлари учун махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий химоя ва гигиеник воситалар жамланмаси қўйилган кўргазма ташкил этилди.

Таъкидланганидек, ХМТ Конвенциялари ижросини таъминлашга тўлиқ амал қилиб келаётган республика-мизда меҳнаткашларга муносиб ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш берилган борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами йил сайин кенгайиб бораётир. Ижтимоий шериклик ва ўзаро ҳамкор-

Ҳам жиддий, ҳам қизиқарли



лик қилишнинг шакл ҳамда услубларини такомиллаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон ка-

саба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида 2017-2019 йиллар

Жиззах
вилояти

Назарий ўрганиб, амалий кўникма ҳосил қилишди

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилла Пардаев кириш сўзи билан очиб, иштирокчилар эътиборини давлатимиз томонидан хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, шунингдек, бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилган ҳуқуқий асосларга қаратди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова хотин-қизлар, ёшлар ва болалар меҳнатига оид муҳим халқаро конвенциялар, мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган муносиб меҳнат шароитлари, қўшимча имтиёз ва кафолатлар, шунингдек, меҳнат муҳофазасига оид маърузасида муҳим маълумотларни келтириб ўтди.

Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Назира Мухторова кейинги йилларда вилоятда аёллар ва ёшлар учун яратилаётган янги иш ўринлари, тадбиркорлик, уй-жой учун берилган имтиёзли кредитлар ҳақида баътафсил тўхталиб, тадбир иштирокчиларини хотин-қизлар ва ёшлар масаласи билан боғлиқ улкан, устувор вазифаларни амалга оширишда ҳамкорликка чақирди.

«Jizzax Textile» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Моҳира Облоқулова ҳамда «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамияти назорат бўлими раиси Ойдинисо Арзиева ўзлари фаолият кўрсатаётган корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича қилинган амалий ишлар, хотин-қизлар учун яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Вилоят тиббий меҳнат эксперт комиссияси ходими, эксперт, шифокор-хирург Малик Мукаровнинг слайд тарзида тайёрлаб келган маърузаси тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. У касб касалликлари, бахтсиз ҳодиса туфайли олинган жараҳатлар, турли тоифа ва даражадаги ногиронликлар тўғрисида қатор рақам ва мисолларни келтириб, жойларда меҳнат муҳофазасига бўлган эътибор ва талабни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Жиззах шаҳридаги «Jizzax Textile» ҳамда «Бону ширинликлари» масъулияти чекланган жамиятларида меҳнат муҳофазаси бўйича қилинган ишлар, хотин-қизларга, ёшларга яратилган шарт-шароитлар билан танишув ҳам қизгин руҳда кечди.

Наманган
вилояти

Муносиб шароит – эътибор белгиси

Наманган тола» МЧЖдаги семинар-тренинг, «Намангандонмахсулотлари» АЖда кечган давра суҳбати, Норин туманидаги маданият ва истироҳат боғида «Зукко ёшлар мусобақаси», НамДУ талабалари ўртасидаги «Соғлом ва хавфсиз меҳнат» мавзусидаги тарғибот акцияси, Тўрақўрғон туманида уюштирилган «Энг яхши меҳнат шароитлари» фотокўргазмаси меҳнат муҳофазаси борасида жонли тарғибот вазифасини ўтади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида мутасадди идоралар вакиллари ва касаба уюшма фаоллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси Ойбек Эгамов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Хананияев, ЎЗКУФ матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова иштирок этди.

Тадбир жараёнида муаммолари соғлом ўртага ташлаб, уларга мутасаддилардан жавоб олинди.

Давра суҳбатида меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, хавфсизлик маданияти ва меҳнат гигиенасига амал қилиш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси йўналишида амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги жараҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Баҳс-мунозаралар давомида иштирокчилар ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, иш жойларида ходимлар саломатлигига таъсир этувчи физик ва биологик омиллар, уларни бартараф этиш усуллари ҳамда меҳнатчилик, меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассисларни тайёрлашга оид ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тошкент
шаҳриНавоий
вилояти

Муносабат ўзгармас экан...

Пойтахтимиздаги Банк-молия академиясида корхона, ташкилот, мутасаддилар иш бевуқчалари, касаба уюшма кўмитаси раислари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида кечган тадбирда қизгин фикр алмашилди.

Унда иштирокчиларига соҳа йўналиши бўйича видеоролик намойиш этилди.

Тадбир нафақат ушбу соҳа эгалари, балки барчани янада хушроқликка чақириб, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда жамоатчилик назоратини ўрнатилганга хизмат қилади.

Барчаси кўнгилдагидекми?..

Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Тўхта Бозоров, Сув ҳўжалиғи вазириликнинг котибиат мудири Турсунбой Ниёзов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Хуршид Умаров, вилоят ҳокими ўринбосари Фахриддин Солиев, вилоят касаба уюшма фаоллари, корхона ва мутасаддиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари иштирок этди.

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Н. Тоғаева кириш сўзи билан очди.

Тадбир давомида «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Семинар иштирокчилари «Навоий ИЭС» АЖ 478-сонли газ-буғ қурилмаси цехида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

«Ўзавтосаноат» АЖга!

Ваъда қачон бажарилади?


2018 йилнинг июль ойида ўтказилган матбуот анжуманида «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқов 2019 йилда «GM Uzbekistan» компанияси ишлаб чиқараётган автомобиль нархларининг арзонлаштирилишини ваъда берган эди. Жумладан, у «Бутловчи қисмларнинг нархи 20 фоизга туширилса, автомобиль нархини 9 фоизга туширишга эришамиз. Сизга ваъда бериб айтманки, кейинги йил автомашиналар нархи, албатта, тушади.

Албатта, бу тез бўлмайди, барчаси аста-секин амалга оширилади. Бу ҳали шу пайта қадар бўлмаган воқеа», дея таъкидлаган эди.

Мана, жорий йилнинг бешинчи ойига ҳам етиб келмоқдамиз. Автомобиль нархи кўтарилса кўтарилдики, асло тушгани йўқ. Халқимизда «ваъда вафоси билан гўзал» деган мақол бор. Бу мақол Умурзоқовнинг ваъдасига ҳам тегишлими?

Анвар РУСТАМОВ

Нарпай тумани



Давлат тест марказига!

Хатолар такрорланмайдими?

Бу йил олий ўқув юртига иккинчи бор ҳужжат топшираман. Аммо мени ҳозирдан қуйидаги ҳолатлар ташвишга солмоқда. Яқинда Тошкент тиббиёт академиясида контракт тўлови асосида тахсил олаётган талаба Камола Ботирова давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинишига тўсиқ бўлган хатолик туфайли Давлат тест марказини судга бериб, унда ютиб чиқди.

Бунгача ҳам икки ҳолатда Давлат тест маркази судда ютқазди. Жумладан, Тошкент тиббиёт педиатрия институтига ҳужжат топшириб, имтиҳондан ўта олмаган абитуриент Даврон Улугбек ўғли ҳам саволлар китобининг биология фани бўйича берилган 57-саволи юзасидан эътироз билдириб, Давлат тест марказининг апелляция комиссиясига шикоят билан мурожаат қилган, кейинроқ Юнусобод тумани маъмурий судига мурожаат қилиб, судда ютиб чиққан бўлса, ДТМ мутасаддилари «48 сония кечиккани» важи билан Бухоро давлат тиббиёт институти тест имтиҳонига киритмаган абитуриент Сарвиноз Ибрагимова ҳам суд орқали адолатга эришганди.

Бундай воқеалар билимга ташна бўлган ёшларнинг ўқишга киришига бўлган ишончини сусайтирмайдими? ДТМ мутасаддилари жорий йилда бундай хатоларнинг такрорланмаслигига қандай қафолат беришади?

Юлдуз ОЛИМОВА

Навоий шаҳри

Тошкент шаҳар ҳокимиятига!

Хавотир ўринсизми ё...

«Facebook» ижтимоий тармоғида «Электростроймонтажсетъ» Бош инженери Максим Черниковнинг профилида «снос» номи билан Тошкент шаҳрида 2030 йилгача бузилиши кўзда тутилган ҳудудларнинг бир неча ранга бўйланган харитаси эълон қилинди. Унга кўра, 2030 йилгача пойтахтнинг деярли 20 фоизга яқин қисми бузилиши, ўрнида янги иншоотлар қад ростлаши қизил рангда акс этган. 2030 йилдан кейинги қурилишлар эса сариқ ранглarda тасвирланган.

Эълон қилишларича, жорий йилнинг 1 майига қадар пойтахтнинг Бош режаси концепцияси ишлаб чиқиши лозим эди. Юқоридаги тасдиқланмаган хариталар фуқаролар, айниқса, пойтахт аҳолиси ўртасида хавотирли кайфият уйғотмайдими? Уй-жойи бузилиши тахмин қилинаётган ҳудудлардаги аҳоли бу режалардан аниқ-тиник қачон хабардор қилинади ва уларнинг қонуний ҳуқуқлари нечоғлик қафолатланади?

Мадина КАТТАБЕКОВА

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига!

Яна қанча кутамиз?

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ижро этилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2018 йил 24 декабрда «Йўл харитаси»ни тасдиқлаган эди. Бундан ташқари, декабрь ойида бўлиб ўтган ялпи мажлисда Сенат раиси «Давлат тили ҳақида»ги қонун ҳақида тўхталиб, тилининг ижтимоий онгни шакллантирувчи муҳим

омил саналиши, инсон қайси тилда сўзласа ва фикрласа, ўша тилдаги мафкурага мойил бўлишига аҳамият қаратилмаётганини танқид қилган эди. Жорий йилнинг март ойида эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан назорат олиб борувчи махсус инспекция тузиш, унинг аниқ вазифа ва вазокатларини белгилашга қаратилган Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш кўзда тутилгани ҳақида хабар қилинди. Аммо негадир ушбу эзгу ишларда изчиллик етишмаётгандек... Она тилимизга бўлган эътиборни кучайтиришдек муҳим ва бугунги кун учун ўта долзарб масаладаги ишлар қачон олға силжийди?

Инобат КАРИМОВА

Термиз шаҳри



Марказий банкка!

Жавоб аниқ ва халқчил бўлса...

Газетанинг шу йил 14 март сонидида «Хизмат тўлови, фойсиз депозит» деб номланган мурожаатга Марказий банк ижро аппарати раҳбари О.Эрназаров ва «Ипотека банк» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Д.Зулфукоровнинг жавоб хати эълон қилинган эди. Мурожаатда «Банк хизмати тўлови» ҳамда пластик картадаги қолдиқ маблағ учун ойнинг охирида тушадиган маълум миқдордаги фойз тўғрисида гап кетган.

Раис ўринбосарининг жавобида қайд этилишича, Банк бошқарувининг 2019 йил 26 февралдаги 33-сонли баёнига асосан тасдиқланган «Ипотека банк» АТБнинг миллий ва хорижий валютадаги амалиётлар бўйича банк хизматлари тарифидан келиб чиқиб, жисмоний шахсларга ўтказиб берилган суммадан бир марталик ва бошқа тўловлардан 0,5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда банк хизмати ундирилиши белгиланган. Давлатта солиқ миқдори 12 фоизга туширилганини инобатга олсак, 0,5 фоиз тўловлар учун «ҳаддидан ошиши»дан бошқа эмас. Аслида, тижорат банклари ҳо-



димлари фуқароларга хизмат кўрсатаётгани учун ҳақ олишади-ку! Қўшимча хизмат ундирилишига ҳожаат борми?

Бундан ташқари, унинг таъкидлашича, «Ипотека банк» АТБнинг 2019 йил учун белгиланган «Фойз сиёсати»нинг 18-бандида жисмоний шахслар ва нафақага чиққан фуқаролар пластик карточкалари ҳисобварақларидаги миллий валютадаги қолдиқ суммага фойз тўловлари йиллик 0,01 фоиз миқдорида белгиланган. Ие, бугега қандай бўлди? Қани бу ерда мантик? Бу миқдорларни бездиришининг ўзинаси эмасми? Дарвоқе, яқин орада пластик карточкамга ушбу белгиланган фойз ҳам тушмади.

Озода ОЛИМЖОНОВА

Наманган шаҳри

Қашқадарё вилоят ва Қарши туман ҳокимиятига!

Шамолнинг «қилиғи»

Қарши туманидаги «Нуронийлар маскани» 2018 йилнинг июнь ойида кексалар ихтиёрига берилган, қарийб 1 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, кексалар учун зарур шароитлар яратилган эди.

Аммо ҳозирда бу ерда нуронийлар ўрнига 2-сектор штаби жойлашиб олганини қандай тушуниш керак? Бир муддат бу ерда мактабгача таълим бўлими ҳам фаолият юритди. Ушбу идоралар кексалар мажмуасида нима қиляпти? Буни қарангки, бино тепасидаги «Нуронийлар маскани» деган ёзув ҳам олиб ташланибди.


«Нуроний» жамғармаси Қарши тумани бўлими раиси Полвон Тўлиевнинг маълум қилишича, қу-

тубхона, шахмат-шашка, тиббиёт ва дам олиш хоналари, спорт анжомлари билан жиҳозланган залга нуронийлар хоҳлаган пайтда келиб, бемалол дам олишлари мумкин. Пешлавҳани эса шамол учуриб кетган. Бир неча бор шу ҳолат такрорланган, охири лавҳани илмай қўйишган.

Шу ўринда бир савол туғилади: нега шамол «Нуронийлар маскани» деган ёзувини учуриб кетади-ю, прокурорнинг «2-сектор» деган лавҳасига бирор зиён етказмайди? Нега масъуллар бу муаммага панжа ортидан қарашмоқда?

Нажмиддин ТўРАЕВ

Қашқадарё вилояти



Уй-жой ва коммунал хўжалиги вазирлигига!

Нархлар пасаядими?

«АиФ» нашрида ёзилишича, Россия Федерациясида коммунал хизматлар нархлари пасайтирилмоқда, аҳолига янада қулайлик яратиб бериш бўйича янгиликлар кутилмоқда. Бизда эса ҳар йили бу борада ўсиш ва ўсиш... Янги вазирлик харажатларни оптималлаштириш, халққа қайишиш бўйича қачондир қандайдир яхши гап айта оладими?

Равшан ҚУВОНДИҚОВ

Гулистон шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасига!


Қандай жазо бор?

Яқинда шароит тақозосига кўра, электр ҳисоблагични янгисига алмаштиришимга тўғри келди. Ўзбекистон-Хитой давлатлари ҳамкорлигида тайёрланган маҳсулотда она тилимдаги йўриқномани ўқий олиш истогим ана шу хурсандчилигимга сабаб эди. Аммо сал шошилган эканман. Не кўз билан кўрайки, йўриқнома рус ва хитой тилларида ёзилган эди. Юртимизда ишлаб чиқарилган (ҳамкорликда бўлса ҳам) маҳсулотларга ўзбек тилида ёрлиқ ёпиштириш, йўриқнома ёзишни ҳалигача билмаймиз. Ёки ўзимизга ор деб биламиз.

Аслида, қонунга кўра ҳар қандай, ҳатто хориждан олиб келинадиган истеъмол товарлари, дори-дармонларда ўзбек тилида йўриқнома, ўзига хос таништирув қоғози бўлиши талаб этилади-ку! Таасуфки, эътирозли саволимга «Ўзбекэлектрҳисоблагич» қўшма корхонаси мутасаддилари тайинли жавоб бера олишмади. Ахир, бу қонундан четга чиқиш эмасми? Мамлакатимиз қонунларига рия қилмаслик, уни менсимасликка қандай жазо турлари қўлланади?

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

Юнусобод тумани



Меҳнат вазирлигига!

Ўриндошлик «ўғай»ми?



Мен 2017 йилдан буён ўзим таълим берадиган мактабда дарс соатлари камлиги сабаб бошқа мактабда ҳам ўриндошлик асосида дарс бериб келаман.

Ўтган йилларда ўқитувчиларнинг ойлик маоши (иш ҳақи) бир неча марта ошди. Аммо ўриндошлик учун тўлов суммаси ошмасдан, 62-65 фоизни ташкил этмоқда. Қолаверса, таътил учун маблағ тўланмайди.

Қонунчиликда бу жиҳатлар қандай кўрсатилган? Ҳақиқатан ҳам, «ўриндошлик» «ўғай»ми?

Даврон РАЖАБОВ

Қарши тумани

Соғлиқни сақлаш вазирлигига!

Наҳотки, бу рост бўлса?

Россиядаги нашрлардан бирида инсон организмининг яшартириш бора-сидаги тадқиқотлар ҳақидаги мақолани ўқидим. Унда айтилишича, маълум бир жарроҳлик амалиётидан сўнг инсон организмининг яшартириш имкони туғилар экан. Уни ўқиб, менда шундай савол туғилди: мамлакатимизда ҳам бу йўналишда илмий ва амалий ишлар бажариляптими? Қолаверса, бундай амалиётларнинг инсон ҳаёти учун хавфли жиҳатлари йўқми?

Нозима АНВАРОВА

Риштон тумани



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига!

Тошкент вилояти Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази раҳбариман. Бюджет ташкилотимиз. Фидойилик кўрсатган, беморлар мақтовига сазовор бўлган шифокор-у ҳамшираларга моддий ёрдам беришни йўлга қўйган-

миз. Жамоа шартномасида моддий ёрдам моддий рағбатланти-

Ким ҳақ?

риш жамғармасидан берилиши кўзда тутилган. Аммо яқинда текширувчилар бу ҳолатнинг қону-

ний эмаслигини айтишди. Бюджет ташкилотларида ходимларга моддий ёрдамни моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан бериш мумкин эмасми? Текширувчиларнинг эътирози ҳақлими?

Гавҳар ШОНИЁЗОВА

Ангрен шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва «Ўзстандарт» агентлигига!

Ароққа қўшиб виждонни ҳам сотамизми?



Ижтимоий тармоқларда юртимизда «Скобелев» белгиси билан спиртли ичимлик ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ёзишди.

Энди бунисига нима дейиш керак? Скобелев тарихимизда қандай шахс ўзи?

Қўқон хонлигига бостириб кел-

ган рус қўшини генерали М.Скобелев минг-минглаб инсонларни қучлар тенг бўлмаган жангларда шафқатсизларча қиришга бош бўлгани аниқ-ку!

«Ўзшаробсаноат» АЖда миллимиз шаънини ҳимоя қила оладиган бирорта ватанпарвар топилаптими? Бундай бемаъни-

гарчилик учун ўз юрти шаънини муносиб ҳимоя қилувчи давлатларда оғир жазолар кўзда тутилган.

Биз эса лоқайдларча томошабин бўлиб тураверамизми?

Шухрат ҒАНИЖОНОВ

Андижон шаҳри

Падангда улуғланган қадим анъаналар

– Санъатнинг энг қадимий, ўзига хос йўналишларидан бири саналган фольклор, аввало, инсонларни куй-қўшиқ воситасида бир-бирига яқинлаштирган. «Гаштак» фольклор-этнографик халқ ансамблимиз халқро ва республикаимизнинг кўплаб нуфузли тадбирларида қатнашиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлиб келяпти. «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивалида тўртинчи маротаба қатнашимиз. Бу гал «Гаштак базми» сценарийси асосида томоша дастурини ижро этдик. Ҳазил-мутойибалар, рақслар, қарсақлар билан айtilаdиган байтлар, халқ қўшиқлари, «ғалла-оролда базм бор», «Бўз бола» каби рақсли қўшиқларимиз ўзига хослиги билан тубдан ажралиб туради, – дейди ғаллаорол туманидаги «Гаштак» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари Аҳмад Жуманазаров.

– Ота-боболаримиздан қолган лапарлар, ўланларимизда кишини эзгуликча чорловчи, яхшиликлар қилишга ундовчи халқона термалардан, сўз ўйинларидан фойдаланилган. Шу билан бирга, турли маросимларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Масалан, висол оқшомларида айtilаdиган «Ёр-ёр» кўшиғида ота-онанинг таърифи, орзу-умиди, келин-куёвнинг бахти, муҳаббат, вафоси, ували-жували бўлиши иштиёқ билан куйланади. Доира жўрлигида айtilаdиган бу қўшиқ ёшларга оиладаги ҳар бир кишига, қўни-қўшига ҳурмат кўрсатиш зарурлиги, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш ва оиланинг муқаддас эканини уқитари, – дейди Сариев туманидаги «Дашнобод анори» фольклор-этнографик халқ ансамбли аъзоси Рўзхон Шукурова.

Фестивалда Сурхондарёнинг «Бойсун», Хоразмнинг «Маъшал» фольклор-этнографик халқ ансамбли жамоалари фахрли 1-, Жиззахнинг «Гаштак», Сирдарёнинг «Сайхун йигитлиги» 2-, Тошкент вилоятининг «Тўғай», Қорақалпоғистоннинг «Афсона» ҳамда Навоийнинг «Ёр-ёр» жамоалари 3-ўринни эгаллашди.

Паданг манзаралари мўъжизакор, эртақона. Бу ерда халқимизнинг қадимий қадриятлари қайтадан сайқал топмоқда. Фольклор санъатимиз, ўтмиш маданий ёдгорликларимиз тарихининг ўзаро узвийлиги ҳамда улғуворлиги, улар буюк маънавиятимизнинг ҳақиқий сарчашмалари эканини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган бу шодиёна нафақат халқимиз, балки бутун дунё анъаналарининг туташилигини ҳам намойён қилди. Ҳар бир иштирокчининг кишиги бир-бирига ўхшамаслиги, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари, ижрочилик маҳоратининг тақдорланмаслиги...

– Тадбирнинг айнан тоғли Бойсун туманида бўлиб ўтишида ҳам ўзгача маъно бор, – дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Рўзимурод Чориев. – Негаки, бу замин бой маданиятга эга. Бу юртдан бахшилар, эл суйган ижодкорлар қаторида игна билан дунёни лол қолдирган каштадўзлар, хунармандлар етишиб чиққан. Анжуман орқали юртизмизнинг барча ҳудудлари мафтункор урф-одатларидан барҳаманд бўлди.

Фестиваль ғолибларига фахрий ёрлик, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Тошкентдаги Абдулла Қодирий боғи. Боғ марказидаги адиб ҳайкали... Мен унинг олдида ўй суриб ўтирибман. Ҳеч кимни кутаётганим йўқ. Аслида, боғларга ёшлар учрашувга келади. Менинг назаримда ҳар ҳолда шундоқ. Бари ёшлар жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирининг пинжига тикилишиб ўтиришибди. Ора-сирада ёш гўдақлари, болаларини ўйнатгани олиб чиққанлар кўзга ташланиб қолади... Болалар шўх ўйнайди... Жуфтликлар эса безовта. Боғнинг ичкарироғига йўл олади...

ҚОДИРИЙНИНГ КЎЗЛАРИ

Жулқунбой ҳайкали қаршисидаги ўйлар

Мен эса ҳайкал олдида кета олмайман. Мени ром этгани Қодирийнинг кўзлари... Фотосуратда инсоннинг кўзидаги маънони ўқиш мумкин. Чизма суратда ҳам шундай инсоннинг дард-у ташвиши, кувончини билса бўлади. Машҳур Мона Лиза кўзида чуқур маъно бор. Узоқлашсанг хафалик, яқинлашсанг шодлик зуҳур этармиш...

Лекин ҳайкал кўзларидаги маъно... Тошдан ҳам шундай акс эттириш мумкинми? Мумкин экан-да... Мана, мени сеҳрлаб турган нарсаси ҳам шунда. Англагандирсиз энди...

Чимирилган қошлар остидаги дардли, ғамнок, аммо қатъий акс этган кўзлар. Тошлар ва гиштлар орасидан чиқиб келадиган Қодирийнинг қўлида китоб... Балки «Ўткан кунлар», балки «Меҳробдан чаён»... Бир-бирига чамбарчас боғланган композиция. Лекин унинг «авж нуқтаси» барибир кўзлари...

Ҳайкалтарошлик ҳам санъат. Бу ҳайкални ясагунча ҳайкалтарош қандай туйғуларни кечирган экан? Чунки дилдан ўтмаса, юрак кўри берилмаса, санъат яратилмайди. Ҳайкални кўздан кечирамиз. Мана ҳайкалтарош имзоси: Жалолиддин Миртожи Турсунбой ўғли (Равшанбек). Бу биз билган машҳур ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ижоди экан-да!

Одатда шундай кўплаб санъат асарларини ким яратганидан беҳабар юрaveraмиз. Шундай ёнидан ўтаверамиз-у, эътибор қилмаймиз. Санъаткор кимлигини билмай-

миз. Ҳайкал, шунчаки, ҳайкал-да... Аммо бу асар яратилгунча, таъбир жомас бўлса, «тошга жон битгунча» қанча-қанча ижод изтиробларини кўрган.

Ҳайкалтарош ижоди давомида қандай туйғуларни қалбдан кечирди экан? Афсуски, Равшан Миртожиев, бугун орамизда йўқ. Аммо у яратган ижод олами билан танишиш имконимиз бор. Шогирдлари орамизда, сермахсул ижод қилмоқда.

Мен ҳайкалларни кўп кўрганман. Ҳар бирида ўзига хос хусусият бор. Улар буюкларнинг (ҳар кимга ҳам ҳайкал қўйилмайди, ахир) кечмишидан сўзлайди. Ҳайкалтарош учун мана шуниси қийин...

Равшан Миртожиев ижоди билан танишар эканмиз, у бунни урдалагани, урдалаганда ҳам нозик қирралари билан намойён эса олганини кўраемиз. Мана қаранг-а! Фарғонанидаги ақл-идрок, Бобурдаги улғуворлик, Ойбекдаги кенг маъно, Ғафур Ғуломдаги шумлик, Зулфиядаги ўзбек оналарининг нуроний қиёфаси ва самимият...

Дарвоқе, ҳайкалтарош ижодида Алишер Навоий сиймоси муҳим ўрин тутади. У Навоийнинг ўндан ортиқ ҳайкалини яратган. Москва марказидаги боғ, Япония пойтахти Токио, Вашингтондаги кутубхона конгрессидagi Навоий ҳайкали модели, Озарбайжон пойтахти Боку, Хитойнинг Шанхай шаҳридаги «сўз соҳибқиронининг» ҳайкаллари унга тегишли... Лекин ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бирида улғу шoirини янгидан кашф қиласиз. Бундан ташқари, Латвия пойтахти Рига шаҳрида ўрнатилган Мирзо Улуғбек ва Ибн Сино, Хитойдаги Камоллидин Бехзод, пойтахтимиздаги Саид Аҳмад ва Саид Зуннунова, «Ватанга қасамед» монументи, Андижондаги Чўлпон, Самарқанддаги Рудакий, Мирзо Улуғбек, Бухородаги Фитрат, Ғазалкентдаги Элбек ҳайкаллари ҳам унинг ижоди маҳсули.

Қаранг-а, кўплаб аллома, буюк шахслар



ҳайкалларининг аксарияти Равшан Миртожиевга тегишли эканини билмас эканмиз.

Лекин Қодирийнинг кўзлари... Бир томошабин сифатида қалбимни ўртаган бу ҳислар ҳайкалтарошнинг қанчалик қийнаган экан-а?...

Балки шогирдлари бу ҳақда яхшироқ билар... Шу мақсадда Бадий академияга кўнгироқ қилдим. «Миллий расомчилик ва дизайн институтига телефон қилинг, шогирдлари билан гаплашасиз» дейишди. Шогирди Ботир Ҳакимов билан учрашдик. Узоқ суҳбатлашдик. Ижод ҳақида, устознинг маҳорати, сабоқлари, ёшларга эътибори, қалб дунёси ҳақида...

– Устоз айтарди, – дейди у, – Мен нонни қанчалик эъзозласам, лойни ҳам шунчалик қадрлайман. Чунки лой ҳайкалтарошнинг нонидир». Бизга ҳам шуни ўргатган. Шундай ишлашга ундаган. Устоз бир ҳайкал учун ўнлаб эскизлар чизарди, тун ярмигача ишларди, биз ёнида туриб, чарчаб қолардик. Эртасига келсак, устоз тонгда келган, ишлаётган бўларди. У киши ҳар бир ишга қалб кўрини берарди.

Мен яна ўша саволга қайтаман:

– Абдулла Қодирий ҳайкали ҳақида ҳам гапирганимиз?...

– Кўп марта айтиб берган. Композиция шундай бўлган экан: Яхлит тошдан Абдулла Қодирий руҳи чиқиб келаётган бўлиши керак. Устоз кейинчалик унга гишларни танлаган. Чунки Қодирий қатл

этилган жойда гишт заводи бўлган. Умуман, устоз бу ҳайкал учун Қодирий асарлари ва ачиқ қисматини чуқур ўрганган. Кейин адибнинг машҳур суратига бот-бот мурожаат этган. Сиз ҳам кўргансиз у суратни... Терговда туширилган... Айтишларича, устоз бир ҳафта ҳеч иш қилмасдан, кеча-ю кундуз ўша суратга тикилиб ўтирган экан. «Ўша суратда Қодирийнинг ички туйғулари, дардлари ва дард билан бирга аралаш мардонавор маъно акс этган кўзларини кўриш мумкин» дердилар...

Суҳбатимиз давомида мен юрагимдаги ҳисларга бироз жавоб топгандек бўлдим. Қодирий дунёси билан бирга яна бир улғу ижодкор оламини ўзим учун кашф қилдим. Бу Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон санъат арбоби, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданий ходими, Токио санъат музейининг Фудзи медали соҳиби, Бобур номидagi халқор мукофот лауреати Равшан Миртожиевнинг ижод олами эди. Бу ҳақда хали ёзиш ва у оламини англаш истаги дилда ёна бошлади...

Ҳайкалларнинг борлиги бизга буюкларни ёдга солиб туради, ҳайкал орқали улғуларга эҳтиром кўрсатилади. Ижодини ўрганишга, улар оламини чуқурроқ қиришга ундайди... Улғуларимизни таниш орқали эса кимлигимизни англаймиз.

Жулқунбой ҳайкали қошида мен шуларни англадим...

Мирзо АНВАР

Маданият хабарлари

«Соқийнома» садолари

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Соқийнома» номли концерт дастури бўлиб ўтди. Унда «Чорлов», «Гуллар боғи», «Сайри гуллар» «Лолалар», «Соқий», «Шароб-1», «Гўзал соқий» ва бошқа мақом йўналишидаги ашулалар ижро этилди.

– Соқий деганда баъзи ғазалларда Аллоҳ, баъзиларида пайғамбарлар, баъзиларида фаришталар назарда тутилади. Май – тафаккур, май – ишқ, май – фикр. Ушбу фалсафани англаб етсак, фикрлар камолотга етади. Шу сабабли мақом кечамизни «Соқийнома» деб номладик, – деди концерт бадий раҳбари, халқ артисти Ўлмас Расулов.

– Ушбу дастуриимиз бошқа мақом концертларидан ноодатийлиги билан ажралиб турди, – дейди тадқиқотчи Наим Ўзбоқулов. – У мақом анъаналарини ўзига жамлаб, саҳна кўринишлари билан ижро этилди. Томошабинлар билан эркин мулоқот қилинди.

Концертда «Сайқал» созандалар ансамбли иштирок этди.

Насиба ҚУРБОНОВА,
ЎзЖОКУ талабаси



Болангиз қандай қўшиқларни киргойи қилишига ҳеч аҳамият берганмисиз? Ёки «Ўлдим-кўйдим» дея «қуйлаган» фарзандидан фахрланиб, уни олқишлаётган ота-оналарни кўрганмисиз? Қизиқ, нега кичкинтойлар болаларга аталган қўшиқларни куйламай қўйишди?

Қарангки, шундай қилинмаса, қўшиқ «тилга тушмасмиш». Бунинг оқибатида кичкинтойлар қўшиқ айтиш бобида барвақт «улғайиб қоляпти».

Афсуски, «Боложон» телеканалда болохонлар учун мўлжалланган куй-қўшиқлар мунтазам эфирга узатилмайди, махсус дастурнинг ўзи йўқ. «Қўшиғим, жон

латда мусиқа дарсини қандай қилиб мукаммал ўтиш мумкин? Ўзингиз тасаввур қилинг: нота нима? Ҳабари йўқ! Соз чалиш... Ўзи йўқ! Айтинг-чи, бундай дарсдан ўқувчи нимани ўрганади-ю, ўқитувчи нимани ўргатади?

Билимни баҳолашдаги «мезон» ҳам кулгили, ҳам аянчли. Ўқувчилар қўшиқ

қўшиғим» кўрсатувининг битта сони қайта-қайта намойиш этилади. «И-е, бу бўлувди-ку, буни кўрганман» дея бошқа каналларга «қўнган»ларнинг кўпчилиги эса ўша гап: 5-6 ёшида «17 ни уриб қўйяпти».

Қилиғи кўп клипларни кўриб... Ўйда ота-онанинг эътиборсизлигидан қилиғи кўп клиплар, илиғи йўқ овозларни томоша қилиш «ўлғайган» бола, балки мактабда мусиқа ўқитувчисининг назоратида бўлиб, дарслиқда белгиланган сабоқлари олиб, мусиқий диди шаклланаётган бўлса керак, дерсиз? Аммо, афсуски, ундай эмас.

Мен турли жойлардаги кўплаб ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фикрини ўрганиб, шунга амин бўлдимки, таълим муассасаларида мутахассислар етишмайди, чолғу асбоблари йўқ ҳисоби. Ахир, бундай ҳо-

латда мусиқа дарсини қандай қилиб мукаммал ўтиш мумкин? Ўзингиз тасаввур қилинг: нота нима? Ҳабари йўқ! Соз чалиш... Ўзи йўқ! Айтинг-чи, бундай дарсдан ўқувчи нимани ўрганади-ю, ўқитувчи нимани ўргатади?

Билимни баҳолашдаги «мезон» ҳам кулгили, ҳам аянчли. Ўқувчилар қўшиқ

Қўшиғи йўқ болалар

Биз эса бепарвомиз...

2016 йил 2-синфга мўлжалланган дарсликнинг 11-нашри чоп этилган.

Маълумки, мактабда мусиқа дарси 7-синфгача ўтилади. Дарсликлар таъминоти яқин вақтларгача яхши бўлмаган. «Қайта ишланган ва тўлдирилган» дарсликларни бир қур кўздан кечириб, шундай хулосага келдимки, дарсликлар деярли ўзгармаган. Дарс сўзи «мавзу» деб ўзгартирилса, расм ва суратларнинг жойи алмаштирилса, битта-яригача саволлар қисқартирилса... Шунда дарслик қайта ишланган, тўлдирилган бўладими? Дарсликлар «обдан» қайта кўрилса, унинг бети, варағи ўзгармайдими? Йиллар давомида

ҳеч қайси бир дарсликнинг бети қисқармаган ва ёки кўпаймаган. 4-синф мусиқа дарслигида «Қиш фасли қўшиқлари» деган мавзу берилган. Мавзу матни (сурати билан) бор-йўғи ярим бетдан сал ошади, холос. Билмаганлар «шугинани» ўқиб, бахшилар фақат қишда куйлар экан-да, деб ўйлашади. Билганлар эса...

Ҳа айтганча, бу мавзу дарсликнинг 2015 йилги қайта ишланган 5- нашрида ҳам, 2017 йилги тўлдирилган 6- нашрида ҳам битта бетда ўзгаришсиз берилган.

Мен бастакорни композитор, композиторни бастакор деб ўйлардим. Яъни, дарслик русча, бири ўзбекча. Аммо мусиқа бастакорлари бир жойда бастакор, бошқа бетда композитор, деб ёзилишини кўриб, ўзимдан шубҳаланиб қолдим ва дарров «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини» очдим. Бекорга иккиланган эканман, Агар

мабодо, дарсликлар муаллифлари ўзларини ҳақ, деб билишса, унда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси номини ҳам (композиторлар сўзини қўшиб) ўзгартириш керакдир?..

ШАРТ-ШАРОИТ БОР, АММО...

Республикаимизда 315 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бор. Уларда мутахассислар ҳам, чолғу асбоблари ҳам – ҳаммаси етарли. Натижада қанчадан-қанча иқтидорли кичкинтойлар ва ёшлар санъат сирларини ўрганмоқда. Шуғулланувчиларнинг сафи янада кўпайиши мумкин. Фақат битта «лекин»и бор.

Мусиқа ва санъат мактабларида тўғарақлар пуллик. Бу демакки, ҳамма ҳам санъатга қизиққан фарзандини ўқитолмайди.

Юртимиздаги барча мусиқа ва санъат мактаблари туманлар марказида жойлашган. Мамлакатимизда шундай туманлар ҳам борки, чекка қишлоқдан марказгача бўлган масофа 30, 40, 50 километр чиқади. Шунча йўлни босиб, мактабга бориб қайтиш болаларга оғирлик қилади. Айниқса, қишда. Шундай экан, ушбу мактабларда асосан туман маркази ва марказга яқин ҳудудда яшовчи болалар тахсил олиши табиий бир ҳолдир.

ХУЛОСА ЎРНИДА...

Мактабларда мусиқа дарсининг ҳўжақўрсинга ўтилиши, чолғу асбобларининг етишмаслиги, ўқитувчиларнинг савияси ҳақида «қўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради» деган фикрни айтишдан йироқмиз. Фақат мусиқага, санъатга чин дилдан қизиқадиган чекка қишлоқлик болакайга ачинамиз, холос. У бечора нима қилсин? Таёқни рубоб қилиб чалисини, лаганини доира?..

Ҳамма гап шунда...

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланган.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959; СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Хиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев

Мусахҳи:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдулжалилов

ЎЗА яқини – 22:05

Тошпирлиди – 23:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Ғ – 417.

30112 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133